



DO'STLIK BAYROG'I

10-сон (4118)

2023 йил 9 март
ПАЙШАНБА



● Газета 1983 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● www.navoinews.uz ● dustlik@mail.uz ● t.me/navoinews_official ●

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2023 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Баҳор ва табиат уйғонишининг тимсоли, шарқона янги йилнинг бошланиши бўлган Наврўзи оламни баланд руҳ ва катта шодиега билан нишонлаш азал-азаддан эл-юртимиз учун гўзал анъана ҳисобланади.

Халқимизнинг кўп асрлик эзгу қадриятларини, унинг орзу-интиллариини ўзида муҳасам этган ушбу қутлуғ айём мустақиллик йилларида мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элларга мансуб барча ватандошларимиз учун умумхалқ байрамига айланган.

Наврўзи оламнинг руҳи ва фалсафасида муҳасам бўлган ахлоқлик ва бағрименглик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, атроф-муҳитни кўз қорачиқдек асраб-авайлаш каби олижаноб қадриятлар Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришларнинг мақсад ва мазмунига тўла ҳамохандир.

Ҳозирги кунда жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, дўстлик ва биродарлик туйғуларини мустаҳкамлаш, халқимиз, аввало, ёш авлоднинг қалби ва онлида Ватанимизнинг бугунги ва келажигига дахлдорлик туйғусини кучайтиришда Наврўзи байрамининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Эл-юртимиз яшариш ва янгилашни, меҳр-оқибат фасли сифатида эъзозлайдиган, бирлашган Миллатлар Таълимоти томонидан халқаро байрам деб эътироф этилган Наврўзнинг маънавий ҳаёtimиздаги улкан ўрни ва таъсирини инобатга олиб, ушбу айёмни миллий қадрият ва урф-одатларимизга уйғун тарзда, ҳар томонлама муносиб даражада нишонлаш мақсадида:

1. 2023 йилги Наврўз умумхалқ байрами мамлакатимизда “**Хар кунинг Наврўзи бўлсин, жонажон Ўзбекистоним!**” деган бош ғо асосида умумхалқ сайиллари шаклида кўтарилган бўлиш ва юксак савияда нишонланиши;

2. Кўйидагилар:
2023 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий кўмита таркиби 1-иловага мувофиқ;

2023 йилги Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш бўйича “**Йўл харитаси**” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий кўмита 2023 йилги Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш бўйича “Йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳамда ушбу айёмнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида, барча шахар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда умумхалқ сайиллари шаклида кенг нишонланишини таъминласин.

3. Байрам тадбирларида тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда кўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:
Наврўз айёмига хос янгилашни ва бунёдкорлик руҳини, она заминга меҳр ва эътибор, инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлиқни фойда эздиган, кишиларни бугунги тинч ва фаровон ҳаётни қадрлаб, атроф-муҳит ҳамда унинг неъматларини асраб-авайлашга, эзгу орзу-мақсадлар билан яшашга ундайдиган маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш;

мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва инсон қадрини улуғлаш мақсадида амалга оширилаётган кенг қўламли ишхотлар, халқимизнинг ҳаёti, дунёқарашида юз бераётган иқтисодий ўзгаришларни Наврўзнинг азалий қадрият ва анъаналари билан мувофиқ тарзда, таъсирчан бадий воситалар орқали акс эттириш;

ободлик ва фаровонлик равижи бўлиши Наврўз байрами афрасида барча шахар ва қишлоқларда, овул ва маҳаллаларда умумхалқ хашари, кенг қамровли ободончилик ва кўламлизорлаштириш ишларини ташкил этиш.

халқимизга хос бўлган меҳр-муруват фазилатларини давом эттириб, муҳтарам нурунийларимизни ҳар томонлама эъзоз-

лаш, “Меҳрибонлик”, “Муруват” ва “Саховат” уйларида яшаётган кишиларга, ёрдам ва кўмакка муҳтож фуқароларга беғариз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини ўтказиш;

юртимизда миллатлараро дўстлик ва фуқаролараро тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш, шу мақсадда амалга оширилаётган тизимли ишларнинг амалий натижаларини, Ўзбекистон фуқароси бўлган турли миллат ва эллар вакиллари томонидан Наврўз умумхалқ байрамини нишонлашга оид тадбирларни ташкил этиш ва кенг ёритиш;

жойларда бўлиб ўтадиган сайилларга фольклор гуруҳлари, бадий ҳаваскорлик жамоалари, дорбозлар ва бахшилар, шунингдек, истеъдодли анъанавий ижрочилар ва эстрада артистларини жалб этиш;

Наврўз сайилларининг дастурларини тайёрлашда қадимий урф-одатларимиз ва халқ уйғунлари, маданий меросимизнинг ёрқин намуналарини бўлган куй ва қўшқилар, ўлан ва лапарларга кенг ўрин бериш;

байрам тадбирлари доирасида ҳунармандчилик кўрсатмалари, миллий спорт турлари бўйича мусобақалар уюштириш, китоб расталари, кўча савдо дўконларини ташкил қилиш, кўплам таомларини тайёрлаш ва уларнинг савдосини йўлга қўйиш;

оммавий ахборот воситаларида Наврўзнинг тарихи ва моҳиятини, ҳудудларда, шунингдек, чет эллардаги ватандошларимиз давраларида байрамни нишонлаш бўйича шаклланган урф-одат ва анъаналарни кенг ёритиш.

4. Маданият ва туризм вазирлиги (О.А.Назарбеков):

Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.М.Ҳошимов), Ёзувчилар уюшмаси (С.С.Савдов) билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** Тошкент шаҳрида Наврўз байрамига бағишлаб ўтказилаётган театрлаштирилган концерт томошасининг дастури ва сценарийсини ишлаб чиқсин; маъруз концерт томошасини таърибли сценарий ва режиссёрлар, композитор ва бастакорлар, балетмейстерлар, сахна расомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакилларини жалб этган ҳолда юқори бадий савияда тайёрлаш чораларини кўрсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари **бир ҳафта муддатда** Наврўз умумхалқ сайилларига ҳар томонлама муносиб тайёргарлик кўриш ва уларни юқори савияда ўтказиш бўйича ҳудудий чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Белгилаб қўйилсинки, ўтказилаётган байрам тадбирлари билан боғлиқ харажатлар:

Тошкент шаҳрида — республика бюджет ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетте маблағлари ҳисобидан тенг улушларда;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — тегишли маҳаллий бюджетлар ҳамда қишлоқлардаги хомийлик хайриялар ҳисобидан қопланади.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларида Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Масъул қарорнинг икросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Президентининг маслаҳатчиси О.Қ.Абдураҳмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 1 март

ЎЗА

Қўшма йиғилиш

2023 йил 7 март кўни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Конституциявий қонун лойиҳасини тайёрлашга масъул бўлган — Коррупцияга қарши курашиш ва суд-хукуқ масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмиталарининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ ЧИНАКАМ ХАЛҚ КОНСТИТУЦИЯСИ БЎЛАДИ

Унда янгилаётган Конституцияимиз лойиҳасини тақомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар атрофлича кўриб чиқилди. Йиғилишда Янгилаётган Конституция тараққий этган давлат — Янги Ўзбекистонни қуриш ғояси атрофида бутун жамиятимизни жиғлаштириш, унда барча қатлам манфатлари инобатга олинганлиги, лойиҳани ишлаб чиқишда кенг жамоатчилик, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, экспертлик ва илмий доиралар вакиллари, зиёлилар фаол иштирок этганлиги алоҳида таъкидланди.

Умумхалқ муҳокамаларида 220 миңдан зиёд тақлифлар келиб тушганлиги, тақлифларнинг ҳар тўрттадан биттиси лойиҳадан жой олганлиги қайд этилди. Шу маънода янгилаётган Конституция тои маънода халқ Конституцияси бўлаётганлиги таъкид этилди.

Конституциявий қонун лойиҳаси билан амалдаги Конституцияга 27 та янги модда киритилмоқда, моддалар сон 128 тадан 155 тага ошмоқда. Конституцияимизнинг амалдаги 275 та нормаси 434 тага қўлаймоқда, яъни амалдаги Конституцияимиз 65 фоизга янгиланмоқда.

Йиғилишда Конституцияга киритилаётган асосий ўзгаришларнинг ҳар бири бўйича алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтилди, фикр алмашилди.

Хусусан, киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларнинг сиёсий-хуқуқий аҳамияти, қўламли ва ҳаммадан келиб чиқиб, лойиҳани янги таҳрирда баён этишга барча асослар борлиги, шу боис Конституциявий қонун лойиҳаси номи “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида” деб ўзгариштирилгани билдирилди.

Йиғилишда қайд этилганидек, Конституциявий қонун лойиҳасининг матни кўни кеча

Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Олий суд раҳбарияти билан бўлиб ўтган учрашувда ҳам атрофлича муҳокама этилиб, қўллаб-қувватланди.

Янгилаangan Конституция жамиятимиз ҳаётининг барча йўналишларини комплекс тартибга солиш ҳамда мамлакатимизни демократик ривожлантириш йўлида энг муҳим ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилади. Конституциявий қонун лойиҳасига киритилган янги нормалар барча соҳаларни тараққий эттиришга, шу жумладан, давлат ҳокимиятининг янада самарали ташкил қилинишига ёрдам беради.

Таъкидланганидек, аҳолидан келиб тушган тақлифларнинг қарийб 20 фоизи, яъни 18 миңгитаси айнан парламентни ислох қилиш билан боғлиқдир. Шундан келиб чиқиб, халқ ҳокимиятичилигини кучайтириш, халқ вакиллик органи бўлиши парламентнинг ролини ва ўрнини, масъулиятини ошириш, унинг ваколатларини янада кенгайтириш, умуман мамлакатимизда парламентаризм, халқ ҳокимиятичилигини янада кучайтиришга қаратилган бир қатор нормалар лойиҳага киритилган.

Парламент фаолияти билан боғлиқ конституциявий ислохотларни амалга оширишда Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги ваколатлари қайта кўриб чиқилди. Бунда, Қонунчилик палатаси билан Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари ҳамда ҳар бир палатанинг алоҳида-алоҳида ваколатлари ва масъулият соҳалари аниқ белгиланб берилмоқда. Яъни, Қонунчилик палатасининг мушак ваколатлари 5 тадан 12 тага, Сенатники эса 14 тадан 18 тага қўйайтирилмоқда.

Давоми 2-бетда.

Хушхабар

МУКОФОТЛАР МУБОРАК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 6 март кўни имзоланган “Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида”ги қарорига асосан юртимиздаги бир гуруҳ иқтидорли қизлар мазкур нуфузли мукофот билан тақдирланди.

Қувонарлики, улар орасида вилоятдошларимиздан икки нафар ташаббускор, салоҳиятли қиз - Навоий давлат педагогика институтининг 2-босқич талабаси Лобархон Жапполова ва Кармана туманидаги спорт мактабининг бадий гимнастика бўйича мурраббийси Дилдора Раҳматовалар ҳам бор.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 мартда эълон қилинган “8 март — Халқаро хотин-қизлар кўни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида”ги фармонида қўра, ўзининг кўп йиллик самарали меҳнати, бой тажрибаси билан бугунги тўб ислохотларимизда фаол қатнашиб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида ташаббус ва ибрат қўрсатиб келаятиган, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшиб келаятиган бир гуруҳ хотин-қизлар юксак ордан ва медаллар билан мукофотланди.

Фармонга мувофиқ, 4 нафар вилоятимиз вакили — “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг “Навоий машинасозлик заводи” ишлаб чиқариш бирлашмаси темирчилик-пресслаш цехи машинисти Зулфия Аҳмедова, “Меҳнат шўҳрати” ордени, Комилхон туманидаги “Қорақул Утепа сур” масъулият чекланган жамияти чўпони Нурбиби Сариева “Дўстлик” ордени, Нурута туманидаги “Муруват” ногиронлар учун эркаклар интернат уйи хўжалик бекаси Ойша Қиличева ҳамда “Навоийазот” акциядорлик жамиятининг полипропилен қоп ишлаб чиқариш цехи оператори Насиба Фаизуллаевалар “Шўҳрат” медали билан тақдирланди.

Ватанимиз раънақи, халқимиз фаровонлиги йўлида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаятган она-сингилларимизни 2023 йил баҳорининг ил байрами, нафосат айёми билан биз ҳам сამийи қутлаймиш. Юксак мукофотлар муборак ва бардовом бўлсин!

ТАХРИРИЯТ.

Шодиёна



“АЁЛГА ЭҲТИРОМ — ХАЛҚИМИЗГА ХОС ОЛИЖАНОБ ҚАДРИЯТ”

Кармана туманида жойлашган “Оқсарой” тантаналар уйида вилоят ҳокимлиги томонидан 8 март — Халқаро хотин-қизлар кўни муносабати билан ташкил этилган байрам тадбири ана шундай номланди.

Дастлаб, вилоят раҳбари Нормат Турсунов сўзга чиқиб, барча гузаллик ва нафосат соҳибаларини байрам билан қутлади.

— Жамият ҳаётининг ҳар бир соҳасида хотин-қизларимиз ўрни, уларнинг фазилатини илдам қадамлар билан юксалиб бормоқда, — деди вилоят раҳбари. — Бунинг натижаси сифатида,

бугунги замон аёлининг дунёқараш кечандин тадбидан фарқ қилади, десам аниқ ҳақиқатни айтган бўларам. Бу борада вилоятимизда эриш-қилган натижалар ҳам, айтиш мумкинки, фخرланарлиқдир.

Давоми 2-бетда.

Тадбир

НАВОИЙ ШАҲРИДА “УЧ АВЛОД” УЧРАШУВИ

Тарих, бугун ва келажакни ўзида муҳасам этган “Уч авлод учрашуви” каби маънавий-маърифий тадбирлар юртимиз ҳаётида гузал анъанага айланиб улгурди.

Навоий шаҳрида бўлиб ўтган уч авлодни учраштирган тадбирга вилоятимизда узоқ йиллар давомида юрт раънақи, тинчлиги, ёш авлод таълим-тарбияси йўлида фидокорона меҳнат қилган кекса, ўрта авлод вакиллари ҳамда мамлакатимизнинг келажак бўлган навқирон ёшлари тақлиф қилинди.

Давоми 2-бетда.

11 МАРТ КЎНИ УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ШАҲРИГА ЎТКАЗИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойишида қайд этилишича, Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлаш ҳамда муборак Рамазон ойини қарши олишга тайёргарлик кўриш мақсадида ташкил этилаётган ушбу тадбир “ОБОД ВА ФАЙЛИ МАҲАЛЛА — ЮРТ КЎРКИ” шiori остида ўтказилади.

Умумхалқ хайрия хашари доирасида “Маҳаллалар 10 тун давраҳ — меннинг туҳфам” шiori остида давраҳ қўчқарлари экиш, ободонлаштириш ишларини олиб бориш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига кўмак бериш тадбирларини ўтказиш кўзда тутилган.

ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ ЧИНАКАМ ХАЛҚ КОНСТИТУЦИЯСИ БЎЛАДИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Шунингдек, илгир хорижий тажрибадан келиб чиқиб, ҳудудий манфаатларни йодолашчи орган сифатида Сенатнинг маҳаллий аҳолилик органлари фаолиятига кўмаклашиш каби муҳим вазифа Бош Қўмусларида мустахкамлаб қўйилмоқда.

Бундан ташқари, Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги вазифалари сифатида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги ҳар йили миллий маърузани эшитиш белгиланмоқда. Бу иккала палатанинг мазкур йўналишдаги самарали ҳамкорлигини таъминлаган ҳолда, коррупцияга қарши курашиш борасида

ижобий ўзгаришлар учун мустахкам замин яратилди.

Йилгиликда депутатлар қайд этганидек, янгиланган Конституция жамиятни янада тараққий эттиришга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари тўлақонли таъминланишига хизмат қилади.

Қизгин руҳда ўтган йилгиликда кун тартибидagi масала юзасидан тегишли қарор ва "Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ масъул қўмиталарнинг ҳулосаси қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси.

НАВОЙИ ШАҲРИДА "УЧ АВЛОД" УЧРАШУВИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Учрашувда вилоят ҳошими Нормат Турсунов иштирок этиб, нутқ сўзлади.

Шу ўринда алоҳида эътироф этиш кераки, вилоятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ўзларининг беқиёс ҳиссаларини қўшган салоҳиятли раҳбарлардан — Увайт Асатов, Гайбулло Дилов, Жайрулло Саъдиев, Абдураҳмон Рашидов, Акрам Алмулов, Эрдон Нарбаев, Раҳимов Раҳимов, сингари қўрт фидойиларининг хизматлари бугунги авлод асои унутмаслиги керак.

Аслидан турли соҳалардаги меҳнат матонатларини, кўрсатган жонбошликларини ёшларимизга ҳар томонлама ибрат қилсақ эркиндик, албатта.

Ахтирилган, бундай тадбирлар вилоятимизнинг барча ҳудудларида юқори кайфиятда



ташқил этилиб, улар ёшларда ватанпарварлик, катталарга ҳурмат ҳиссини қўнайтириш, буюк аждоғларга мурофи авлод бўлиш, қўрт равишга ҳисса қўлиш масъулиятини янада оширишда муҳим ўрин тутди.

Ўз муҳбиримиз.

Давлат фуқаролик хизмати

КАДРЛАР ЗАХИРАСИНИ ЯРАТИШ - МУҲИМ ВАЗИФА

"Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 25-моддасида "Миллий кадрлар захираси давлат фуқаролик хизматчиларининг раҳбарлик лавозимларини малакали кадрлар билан тўлдирish мақсадида давлат фуқаролик хизматчиларини марказлаштирилган ҳолда саралаш олиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуқли маълумоти олириш тизимини" деб мустахкамлаб қўйилган.

Қонунда белгиланганидек, миллий кадрлар захираси давлат фуқаролик хизматининг раҳбар кадрлар тарбиясини барқарор таъминлаш ва унинг сифатини яхшилаш, давлат фуқаролик хизматчиларининг касбий компетенциясини ошириш ҳамда хизматда лавозим бўйича кўтариш мақсадида шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 2022 йил 4 август кунин давлат хизматини ислох қилиш ва бошқарува натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йўналишида маҳаллапардаги ҳоким ердончилари, ёшлар етакчилари ва хотин-қизлар фаоллари орасидан юқори натижаларга эришган номзодларни махсус билим ва психодиагностик тест синовларида ўтказиб, улар орасидан 1000 нафарини танлаб, салоҳиятли кадрлар резерва қилиш вазифаси белгиланган эди.

Салоҳиятли кадрлар захирасини яратиш ҳам ушбу йўналишда амалга оширилаётган амалий ишларнинг мантиқий давомидир. Ушбу вазифани амалга ошириш мақсадида Давлат хизмати ривожлантириш Агентлигининг Навоий вилоят филиали томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, 2022 йилнинг сентябрь-октябр ойлари давомида вилоятдаги 330 та маҳаллапарда 990 нафар ҳоким ердончилари, ёшлар етакчилари, хотин-қизлар фаоллари орасидан сектор раҳбарлари ва йўналишлар бўйича туман (шаҳар) ҳоким ўринбосарларининг ҳулосаси ҳамда "360" даража баҳолаш натижаларига кўра дастлаб 83 нафар номзодлар сараланиб олинди. Сараланишнинг кейинги босқичи тест босқичидан 65 фойз ва ундан юқори натижаларни қайд этган ҳамда олдинги иш жойлари ва меҳнат шартлари ҳисобга олинган ҳолда 60 нафар номзод сараланиб олинди.

Сўнгги босқич суҳбат натижаларига кўра, улардан 35 нафари сараланиб, салоҳиятли кадрлар захирасига киритилди. Улардан 27 нафари ҳоким ердончилари, 6 нафари ёшлар етакчилари, 2 нафари хотин-қизлар фаоллари ҳисобланади. 120 нафар номзоддан 4 нафари хотин-қизлардан иборат. Салоҳиятли кадрлар захирасига сараланган номзодларнинг касбий ва шахсий компетенцияларини ривожлантириш мақсадида ҳар бири ўзининг 6 ойга мўлжалланган шахсий ривожланиш режаларини ишлаб чиқишди.

Ушбу шахсий режа таълим, амалиёт,

илимий-иқтисодий фаолият, китоб мутлоаси каби йўналишлардан иборат бўлиб, шахсий режаларнинг бажарилиши мунтазам равишда мониторинг қилиб боришмоқда. Мисол учун, иш режага мувофиқ жорий йилнинг январь ойида барча захиратга олинган 35 нафар салоҳиятли кадрлар давлат фуқаролик хизматчилари учун мўлжалланган 50 соатлик масофовий курсларда ўқитилиб, сертификатларга эга бўдиллар. Бундан ташқари, номзодлар ўз-ўзини ривожлантириш мақсадида онлайн ва анъанавий ўқув курсларида билим ҳамда малакаларини оширишмоқдалар, тасвир этилган китобларни мутлоа қилишмоқдалар. Амалиёт аюқларни бўйича номзодлар гуруҳ раҳбари томонидан меҳнатсеварлиги, интизомлиги, масъулиятлиги, саводхонлиги, лидерлик хислати, касбий профессионализи, одоби ва муомала маданияти каби йўналишлар бўйича баҳолашмоқдалар.

Номзодларнинг шахсий ривожланиш режаларига кўра, ҳар бир захират кадр ўзлари белгиланган давлат идораси ва ташкилоти, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида амалиёт ўтаб, келгусидаги фаолиятлари самарадорлигини янада ошириш учун зарур бўлган билим, малака ва кўникмаларини ривожлантириш, амалиёт раҳбарларидан тажриба ўрганиш имкониятига эга бўдиллар.

Қолаверса, давлат фуқаролик хизматини рақамлаштириш ишлари жадал олиб борилаётганили, захират кадрлар бўйича ҳам алоҳида электрон платформа захират.uz платформаси ишлаб чиқилиб, жорий йилнинг февраль ойидан тажриба синов тарқасида амалиётга жорий этилганлиги муҳим янгилангилардан биридир. Ҳудуд электрон платформада номзодлар тўғрисида тўлиқ маълумот, уларнинг билим тили, психологик тестлар, суҳбат ва КРП (рейтинг) натижалари, келгусида тасвир этилган лавозим, шунингдек, шахсий ривожланиш режалари ва уларнинг бажарилиш электрон тарзда киритилиб, мониторинг қилиб боришмоқда.

Бу борадаги ишлар давлат фуқаролик хизматчиларининг раҳбарлик лавозимларини малакали кадрлар билан тўлдирish хизмат қилади.

Аброр ЛАТИПОВ,
Давлат хизматини ривожлантириш
Агентлиги вилоят филиали
бош инспектори.

"АЁЛГА ЭҲТИРОМ – ХАЛҚИМИЗГА ХОС ОЛИЖАНОБ ҚАДРИЯТ"

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

тадбиркор" дастури доирасида 8 915 нафар аёлларга 263 млрд. сўм кредит ажратилди.



Эҳтиётимизда оила-лардаги 1944 нафар қизлар олий таълим муассасаларига имтиёзли 4 фойзли квота асосида ўқишга қабул қилинишлари учун тавсияномалар берилди, 150 нафар эҳтиётимизда оила-лар фарзандларининг 1 млрд. 70 млн. сўмлик шартнома тўловлари тўлаб берилди.

Тадбирда маҳалла, туман, шаҳар, вилоят ва фазолига мурофи ҳисса қўшган, аҳоли салоҳиятини мустахкамлаш, жамиятда тиббий маданиятни юксалтириш, шунингдек, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этишда ибратли фаолият олиб бораётган 15 нафар хотин-қизга "Муътабар аёл" кўрак нишони топширилди.

– Таълим соҳасида 40 йилга яқин фаолият олиб боришдан, – дейди Томди тумани 7-сонли умумтаълим мактаби қозоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Губану Тобаева. – 2008 йилда "Шуҳрат" медали билан мукофотланганман. Шунинг қувонч билан айтганим, мамлакатимизда аёлларга эътиборнинг йилдан йилга ортиб бораётгани бизни ҳар томонлама руҳлантиришмоқда. Айниқса, камтарона меҳнатларим юқори баҳолаш, "Муътабар аёл" нишонига мурофи қўрилгани калбимни фахр ва ифтихорга тўлдирди, қуч-ғайратини оширди. Буларнинг барчаси бутун жамоатимизнинг ютуғи, деб ҳисоблайман.

Тадбирда бир гуруҳ фаол хотин-қизлар



республикада ўзининг салоҳияти, иқтисодий фаолияти билан намуна бўлган, оилаларнинг мустахкамланишига, оналик ва болалик муҳо-

вилоят ҳокимиятининг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо соғавалари билан таъминланди.

Ўз муҳбиримиз.

Ўзбекистонда «Аҳолини рўйхатга олиш» тўғрисида

Аҳолини рўйхатга олиш яна бир жиҳати билан муҳим. Унинг аюқига етказилиши ҳудудларни хариталаш, аҳоли пунктларидаги уйлар рўйхатини тўзиш имконини беради. Яна ҳам аюқроқ айтганда, турар ва нотурар жойларнинг аюқ сони, ҳолати, фойдаланилмай ётган ёки муддатини ўтаб бўлган биноларни белгилаб олиш билан тегишли ҳудудларда уй-қош, саноат объектларни қуриш ва таъмирлаш масалаларига ойдинлик киритиш мумкин бўлади. Бир сўз билан айтганда, республиканинг аюқ мўлжалли кадастр харитаси яратилди. Мақсад аюқ, режалар қатъий. Амалий ишларга эса алақачон киришилган. Хусусан, Президентимиз Фармони асосида Аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш Концепцияси тасдиқланди. Мазкур Концепция асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағилликни қисқартирish вазирлиги, Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Адлия

вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, кенг муҳокама ва ҳуқуқий экспертизалардан сўнг 2020 йил 16 март кунин қабул қилинди. Қонун 5 боб, 31 моддадан иборат бўлиб, унда қонуннинг мақсади, асосий тушунчалар, аҳолини рўйхатга олишнинг вазифалари ва принтсиплари ёритиб берилган. Асосий принтсиплардан бири сифатида даврийлик принтсипи, аюқ аҳолини рўйхатга олиш ўн йилда камда бир марта ўтказилиши ҳамда аҳолини рўйхатга олиш ўтказиш тўғрисидаги қарор, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилиниши белгиланган бўлиб, бунда аҳолини рўйхатга олиш жараёнида йилгилан шакста доир маълумотлар махфий қўрилиши, улар респондентнинг розилигисиз ошкор этилмаслиги ва

тарқатилмаслиги қатъий белгиланган бўлиб, Қонунда респондент тушунчасига ҳам аюқлик киритиб кетилган, аюқ респондентлар – аҳолини рўйхатга олиш санасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи, лекин аҳолини рўйхатга олиш санасида унинг ҳудуддан ташқарида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳам респондент ҳисобланиш ёритиб ўтилган. Шунингдек, Қонунда, аҳолини рўйхатга олишнинг тартибга солиш соҳасида давлат бошқаруви, рўйхатга олишнинг қўлашга кўмаклашиш бўйича Республика комиссияси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва-колатлари белгиланган бўлиб.

Мадина ЮЛДАШЕВА,
Навоий вилояти статистика бошқармаси бўлими бошлиғи

Нуктаи назар

СИФАТЛИ ТАЪЛИМ – КЕЛАЖАГИМИЗ КАФОЛАТИ

Президентимиз мамлакат ривожланишини жадал давом эттириш учун бешта асосий йўналишни курсатиб бердилар. Улар таълим, суд тизими мустақиллиги, тадбиркорлигини ривожлантириш, малакали тиббий хизматини йўлга қўиш ва аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш каби муҳим курсаткичлардир. Ушбу ташаббуснинг мантиқий давомий сифатида 2023 йил "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб эълон қилинди. Таълим тизимини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар эса бу борадаги ислохотларнинг узвий давомий бўлади.

Вилоятимизда 363 та умумтаълим мактаби бўлиб, унинг 5 тилида — ўзбек, рус, қораллоқ, тожик ва қозоқ тилларида олиб борилади. Ушбу таълим муассасаларида билим олаётган 180 миңдан ортиқ ўқувчиларга 21 мингта яқин педагоглар жамоаси таълим-тарбия бериб келмоқда. Уларнинг 69 фоизини малака тоифасига эга бўлганлар ташкил этади.

Вилоятда таълим сифатини яхшилаш ва ҳоҳилик экспертиларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу эса йўналиш кесимида янги-ча ғалабалар томон йўл очилишига замин ҳозирлайди. Мазмунли, Финландия таълим тизими жаҳонда ўзига хос ўринга эга. Синов тарқасида "Финландия таълими"ни таълим масканларида жорий этиш ишлари олиб боришмоқда. Шу мақсадда 2022 йилнинг октябрь ойида Финландия давлатининг етуқ мутахассислар тақлиф этилиб, улар томонидан ўқитувчилар учун семинар-тренинглар ташкил қилиниб, замонавий методикалар асосида малакаси оширилди.



Олиб борилаётган амалий ишларга қарамадан ошқ ҳудудларда жойлашган мактабларда таълим сифатини юқори, деб айти олаемиз. Урганишлар натижаида кўрсаткичларидан 17 та мактабда сифат вилоят кичи паст эканлиги аюқланган. Ушбу муам-

диагностик тест синовлари натижаида кўра, сифат кўрсаткичи паст таълим масканларида ўсиш ҳолати кузатишган. Айтиш кераки, ҳар бир мактаб таълим сифати ва самарадорлигини ошириш йўлида ички имкониятлар ва ҳудудий ўзига ҳослидан келиб чиқиб индидуал ёндашулар асосида иш олиб бора, ўзининг ижобий самарасини беради.

Ўқувчиларни тил ўрганишга бўлган қизиқишини ошириш замон талаби. Шу боис уларга шарқ тилларидан ташқари араб ва форс, шунингдек, Латин Америкаси давлатларининг испан ва португал тилларини дарсқарога қўриш, юртимизни дунёга танитиш, жаҳондаги давлатлар билан муносабатлар географиясини янада кенгайтириш ўзининг ижобий ҳиссасини қўшади. Шунингдек, ҳусусий ва давлат-ҳусусий шеркчилигини ривожлантириш, улар ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш лозим. Ҳолбуки вилоятда уларнинг сони бармоқ билан санарлиқлик қолмоқда. Бунинг учун уларга қўниқилишда белгиланган тартибда имтиёз ва имкониятларни янада қўлайитириш мақсадида мувофиқ.

Имрӯз МУРОДУЛЛАЕВ,
вилоят халқ таълими бошқармаси аюқитчиси.

ДУНЁНИНГ ГУЛТОЖИ ЎЗИНГАН, АЁЛ!

Баҳор узгача тароват ва кутаринчилик билан қарши олинган фасл. Боиси, унда энг фусуқор ва гузал айём — опа-сингилларимизнинг шодоналари нишонланади. Қалбларни бунёдкорлик ва яратувчанлик туғилари чулғаб олади. Оила мустақамлиги, хонадон тинчлиги, бахт ва шодликка йўрилган кунларимиз қурки аёл билан фазилди. Бугунги кунда эл-аёлларнинг нафакат оилада, балки мамлакат тараққиётида ҳиссалари беқиёс. Бир сўз билан айтганда улар ватанимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, давлат ва жамият бошқаруви, илму фан, соғлиқни сақлаш, маданият, тадбиркорлик, спорт каби соҳалар ривожига фаол иштирок этмоқда.

Зебинисо Шарипова Бухоро шахрида таваллуд тоғлан. Айни пайтда Учқудуқ туманида истикомат қилиб келмоқда. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб халқ дуосини олиб ҳам бўлгани йўқ. Тикувчилик, қўлда гилам тўқиш, туя жунидан даволосини хусусиятга эга бўлган турли хил буюмлар, хусусан, кўрпа, естик, нимча, пайпоқ, куртка, йилгит-кўйрак учун оёқ кийимлар яратиб ички бозорга улашмоқда. Утган 2022 йилида, ушбу ҳафтада анъанасида 800 дан ортиқ ишчи ўрни яратиб, банд бўлмаган хотин-қизларни касбга ўқитиб, уларга сертификатлар тақдим қилди.

1999 йилда илк тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган. Даставаал, икки-учта тикувчилик цехи ташкил этиб, соҳага қизиқиб қорқиб бўлган қўли гўл, чеҳраларни бир мақсад йўлида бирлаштирдим. Шунингдек, "Анвар, Бахт, Бобуршоҳ" МЧЖлар фаолиятини йўлга қўйиб, ишсиз йилгитларни қурилиш йўналишига жалб этдим, шу орқали қўлгина оила бош-

ликлари хонадонига қувонч улашишга оз бўлсада ҳисса қўшганимдан мамнунман, — дейди қаҳрамонимиз. — 2010 йилдан ҳозирга қадар, Учқудуқ тумани Хунармандлар уюшмаси раҳбари вазифасида фаолият олиб бормоқдам.

Айтиш кераки, аёл — ҳаёт мусаввири. Бу кўна оламини минг бир хил рангин бўёқларда эс эттирувчи, атрофга гузаллик, эзуллик, меҳр ва муҳаббат улашувчи нозик хилқатлидир. Оилада намунали оила, ҳудудда катта оқилнинг эътибори ва эътирофига лойиқ бўлиб келатган Зебинисо опа меҳнатларининг маҳсулини йиллар ўтгани сайин қўриб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Ўзбекистон Иқтироси аёллари маркази томонидан ўтказилган "Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси" тапловининг республика босқичида 1-ўринни, "Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!" шiori остида ташкил этилган "Ишбилармон аёл-2022" қўриқ-тапловининг республика

босқичида 2-ўринни қўлга киритган. 2022 йил "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги" эъланиқ нишони билан тақдирланди. Шунингдек, жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси томонидан таъсис этилган "Муътабар аёл" кўрак нишонига лойиқ топилди.

Қаҳрамонимиз айни пайтда раҳбарлик билан бир қаторда тумандаги "Шаббона-2019" қўрилиш корхонасини ҳам бошқаради. Хабарингиз бору, Учқудуқ тумани аҳолисининг кўпчилиги қисми чорвачилик билан шуғулланади. Тадбиркор Зебинисо Шарипова "Мингбўёқ" совулдан туя жунли олиб келишни йўлга қўйган. Қўлгина касалиқларига даво бўлувчи жунни ювиб, қайта ишлаб, хаворидор маҳсулотларни халқимизга тақдим этмоқда.

Аёл муҳаббат, нафосат, саводат, меҳр ва гузалчиликнинг ёрқин тиласидир. Нозик хилқат эгаларига юксак эътибор ва ғам-ҳўлиқ сифатида баҳорнинг илк гул байрами — 8 март—Халқаро хотин-қизлар кўни қалбларга мунавварлик ҳада этади. Жамият ривожига, оила фаровонлигига, юрт тақдирига дахлдорнинг ила фарзанд тарбиялаётган, ватанимиз ривожига йўлида хизмат қилаётган аёлларимиз омон бўлишсин.

Дилафруз ҚУШОҚОВА,
"Дўстлик байроғи" муҳбири.

ҚИЗ БОЛА ГУЛДАН НОЗИК

Инсон учун ҳаво, қўёш, сув, нон, ота-она нечоғлик зўра ва муқаддас бўлса, Ватан ҳам шунчалик муътабардир. Тугилиб ўсган тупроққа бола муҳаббат ёлғиқдир. Унинг далада даштарли, қиру адиқлари, мовий ранг тоғларига бўлган ҳасас меҳр ҳар недан ортиқ. Ота замин ушбу кичик ватан — бу оила ҳисобланади. Унинг дахлсизлигига, муқаддас қўриқ эканлигига сўзга сиғдиқмоқ, таърифага йўқмоқ кучли иш.

Сиз-у биз манзил тоғлан, ҳар қандай вазиёт бўлмасин баргига чорлагувчи бу даргоҳни асраб-авайлаш нафакат оила бошқаруви, балки бутун бир жамият олдиданги вазифалардан биридир. Унда қамол топаётган ўғил-қизларнинг қириш-туриши, ҳулқ-атворига қатъийлик, сабр ва мулоҳаза билан эътибор қаратмоқ, келажакда қўйилган қадамларнинг илк нишоналаридир. Тарбия масаласида ҳақига йўл қўймаслиқни ўзини аввало, ҳар қандай хонадондаги маънавий илҳом, узаро ҳурмат, одоб-ахлоқ каби инсоний муносабатларни тартибга солиш, оила соҳиблари дарахллик позицияси ила иш қўриши

лозим бўлган жиҳатдир. Қиз бола тарбияси — ўта нозик иш. Халқимизда "Онасири қўри қизини ол", — деган нафиз бекхиза айтилган. Оиладаги орасталик, атрофдагилар билан муомала қилиш маданияти, уй-рўзгор тутиш санъати, ҳаё ва назоқати сақлаш олиб қайи ранг-баранг жиҳатлари қиз бола онисидан ўрғанади. Келусида келин бўлиб борган хонадонига йиллар давомида олган сабоқларини қўлайи бошлайди. Шу каби хислатлари ҳаётга таътиб этиш, янги муҳитдан қадардон ота уйидагиларга раҳмат ва рағбатлар ёғдириш ҳам ўша тарбиянинг маҳсули бўлади.

Энг кераки, ҳурмат қилишга ундаш ва ўргатиш лозим. Қўзатиш натижалари шуни кўрсатадики, сўнгги пайтларда қизлар тарбиясида нуқсонлар уяраб турибди. Уларни бартараф этиш ота-оналар зиммасига уласлиқ қўйилмоқда. Қиз бола — гўлдан нозик. Навниҳолқаримизга тўғри тарбия бериб, асраб-авайласан, елкамизда йиллар давомида олиҷлаб келатган масъулият ҳиссини адо этган бўламиз.

Ибодат ПУЛТОВА,
Навоий шахридаги 16-АФЧУМ
ўқитувчиси.

Ташаббус ва рағбат

ЭНГ ФАОЛ ДЕПУТАТ АНИҚЛАНДИ

Навоий шахар "Баркамол авлод" болалар мактабида "Ташаббус ва гоъларимиз мустақил Ўзбекистон тараққиёти учун" шiori остида "Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг энг фаол депутати" қўриқ-тапловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан республика миқёсида илк мартаба ташкил этилди. Асосий мақсад 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурининг партия сайловоти йўналишига тааллуқли бандлари иқросини таъминлашдан иборат. Шунингдек, маҳаллий Кенгашларда депутатлик гуруҳлари иш самардорлигини ошириш, партиянинг сайловотида дастурий иқросини таъминлашда барча даражадаги депутатлик корпуси салоҳиятидан фойдаланиш бош мақсад этиб белгиланган.

Тапловнинг биринчи босқичи "Инсон

қадри учун" шiori остида барча туман (шаҳар)ларда қўриқ савияда ўтказилиб, унда 50 дан ортиқ фаол депутатлар иштирок этган. Низом талаблари асосида ҳудудлардан 8 нафар гоъилбар номи аниқланган.

Вилоят босқичининг якуний ҳисобларига қўра, Қўзилтепа тумани "26-Ғамхўр" сайлов округидан сайланган депутат Раъно Бағиева фахрли 1-ўринни эгаллаган бўлса, Навбахор тумани "29-Ғашман" сайлов округи депутати Ёркино Боймуродова 2-ўринни, Навоий шахар "26-Мустақиллик" сайлов округи депутати Ширин Абдураббеганова 3-ўринни эгаллади.

Бахтиёр ТАШЕВ,
ЎзХДП вилоят Кенгаши раиси.

ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИ

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши Хузуридаги Жамоат фонди томонидан 2022 йил давомида самарали ишлар амалга оширилди. Хусусан, Президент Администрацияси суро-воти асосан, 2022 йил сентябрь ойида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги "Давлат органлари хузурида жамоатчилик Кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорининг вилоятдаги иқроси оқсиздан 29 та давлат органлари хузурида жамоатчилик Кенгашлари фаолияти бунча урганиш ўтказилди.

Ўрганиш ишларида вилоятда фаолият юри-тувчи урганиш объектлари бўлган 29 та давлат органларидан вилоят адлия, маҳия, мудофиа вазили, Маҳалла ва ҳуруронлиги қўлаб-қувватлаш, Божхона, Аҳолининг йўллар бош-қармаси, Ўшлар ишлари Агентлиги вилоят бош-қармасида Жамоатчилик Кенгаши фаолияти белгиланган тартибда ўз фаолиятини олиб бо-рётганилиқ маълум бўлди.

Шунингдек, қарор иқроси вилоятдаги 11 та туман ва шахар ҳоҳимликлари ҳам ўрга-ниди. Тақдим этилган маълумотларга қўра, барча туман ва шахар ҳоҳимликлари Жамоат-чилик Кенгашларини тузиш бўйича қарори

Сарҳисоб

маълум бўлиб, жамоатчилик Кенгаши тартиби ва низоми тасдиқланган. Лекин жамоатчилик Кенгашини тузиш оқсиздан ўтказилган йилгили баён-нома тақдим этилмади. Шу билан бирга жамоатчилик Кенгаши тартибига нодавлат но-қирот ташкилотлари аъзолари белгиланган тартибда қиритилган. Тартибнинг асосан туман ва шахар меҳнат факторлари, сиёсий партия аъзоларидан иборатлиги аниқланди.

Қолган 22 та ўрганиш объекти бўлган вилоят даражадаги давлат органларида ўз вақтида бу борада иш олиб борилган бўлса-да, ҳозирги

қўнда бу тўғрида маълумотлар мавжуд эмас-ли маълум қилинди. Ўз навбатида 242 та давлат органи ва ташкилотларда қарор иқроси лозим даражада бажарилмаганлиги бўй-ча далолатнома тузилди.

Бундан ташқари, давлат раҳбарининг На-воий вилоятга ташрифи давомида аҳоли муаммоларини ҳал этиш бўйича "Хатирч та-рибасини" яратиб бўйича берилган топшириқ иқроси оқсиздан 2022 йил декабрь ойида жа-моат Фонди маъсүл ҳодимлари тегишли таш-килотлар билан Хатирчи туманида ўтказилган хонадонбай юриш ва иқтимоий объектлари ўрганиш тадбирларида тўлиқ иштирок этди.

Маъзур жараён давом эттаётган бўлиб, бу-гунги кунга қадар 37 661 та аҳоли хонадонлари ҳамда 1270 та иқтимоий объектларда аниқлан-5503 та муаммодан 72 фоизи жойида бартараф этилган. Қолган тизимли масалалар бўйича йўл ҳариялари ишлаб чиқилмоқда.

Ҳамид ЖУМАЕВ,
Фонд директори.

ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ РЕКЛАМА ФЕСТИВАЛИ ЧОРАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2019 йил 11 сентябрдаги "Истеъ-молчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал тизимини тақ-вимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги фармонига мувофиқ, республикада ҳар йили маркетинг ва реклама соҳасида анъанаван айланган кенг қўламли халқаро тадбирлар, жумладан, "ADWEEK" марке-тинг ва реклама ҳафталиги, "MAKON MARKETING FORUM" ҳамда "TAF" Тош-кент реклама фестиваллари ўтказилиб келинмоқда.

Ушбу тадбирлардан қўланган асосий мақсад республикада тадбиркорлик ва истеъмолчилик маданиятини тақомил-лаштириш, реклама соҳасида ҳодол рақобат ва ногўри рекламага йўл қў-маслиқ, шунингдек, реклама ҳамда марке-тинг хизматлари бозори иштирокчилари учун сотим рақобат муҳитини яратишга қўламлилаштириш.

Ўшлар ва тадбиркорлардан иборат

иштирокчилар, шу жумладан, ушбу соҳага тааллуқли бўлган ҳориқий давлатлар эспот ва маърузачилар маъзур тадбирига жалб қилинади. Натижада вилоятимизда фаолият олиб бораётган тадбиркорлар-нинг ушбу реклама фестивалида қатна-шиб, маркетинг ва бизнес соҳасида билим-қўнмаларини янада оширишга эришади.

Жорий йилнинг 19-20 март кўнлари бў-либ ўтаётган ушбу "Tashkent Digital Mar-keting Forum-2023" Тошкент реклама фестивалида қатнашиб иштирок этишга бўлган ви-лоятимиздаги барча тадбиркорлик субъек-тлари қўйилган телефон рақамларига му-рожаат қилишлари қўраб қўйилди.

Мурожаат учун телефонлар:
(79) 225-24-56, (79) 225-54-44.

Ўзбекистон Республикаси
Рақобатни ривожлантириш ва
истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш қўмитасининг Навоий
вилояти хуфудий бошқармаси.

Олий Мақлиси хузуридаги жамоат фонди давлат грантлари ажратиб
учун 1-ва 2-тапловларини эълон қилиди.

Тапловлар мавзулари:
"Жамият ва оилада сотим иқтимоий-маънавий муҳитини таъминлаш" Давлат
гранти 1-таплов;
"Аҳолини тадбиркорликка кенг жалб
этишга қўламлилаштириш" Давлат гранти 2-та-
плов.

Битта лойиҳа учун ажратилган
грант миқдори - 100 миллион сўмга.

Ҳужжатлар жорий йилнинг 31 марти-
гача қабул қилинади.

Қўшимча маълумот учун
телефонлар:
(371) 239-26-76, 239-26-86.

2012 йил 25 февраль кўни вафот этган, ва-
фотида қадар Навоий шахар Пафот (собиқ Ти-
тов) қўчаси, 4-й 12-хонадонда яшган марҳум
Марченко Олег Мартыновичнинг мол-мулгига
мерос иши мавжуд бўлиб, меросқўрлар Навоий
шаҳрида ҳусусий амалиёт билан шуғулланувчи
нотариус Турсунов Шерзод Бердиқўлиев нота-
рий иқросига мурожаат қилишлари сўра-
ланди. Мурожаат расман эълон қилинган қўндаш бош-
лаб 1 (бир) ой иқти қабул қилинади.

Мурожаат учун телефон:
79-210-00-28.

2007 йил 5 сентябрь кўни вафот этган, ва-
фотида қадар Нурота тумани Қўзилтепа қишло-
қида доимий рўйхатда турган марҳум Муратов Очил-
тоғнинг мол-мулгига мерос иши мавжуд бўлиб,
меросқўрлар Нурота туманида ҳусусий амалиёт
билан шуғулланувчи нотариус Исоев Икром Ши-
мираваевнинг нотариал иқросига мурожаат
қилишлари сўраланди.

Манзил: Нурота тумани, Х.Худойқўлов
қўчаси.

Мурожаат учун телефон: 79-523-19-44.

2022 йил 22 апрель кўни вафот этган, ва-
фотида қадар Нурота тумани Қўзилтепа қишло-
қида доимий рўйхатда турган марҳум Ялғашева Теми-
рбек Хобой ўғлининг мол-мулгига мерос иши
мавжуд бўлиб, меросқўрлар Нурота туманида
ҳусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус
Исоев Икром Шимираваевнинг нотариал иқросига
мурожаат қилишлари сўраланди.

Манзил: Нурота тумани, Х.Худойқўлов
қўчаси.

Мурожаат учун телефон:
79-523-19-44.

2022 йил 19 июни кўни вафот этган, вафоти-
да қадар Навоий шахар Янги ариқ қўчаси 9-йўлда
доимий рўйхатда турган марҳум Қўчиев Остон-
нинг мол-мулгига мерос иши мавжуд бўлиб, ме-
росқўрлар Навоий шахрида ҳусусий амалиёт бил-
лан шуғулланувчи нотариус Р.Ф.Аюмовнинг
нотариал иқросига мурожаат қилишлари сўра-
ланди.

Манзил: Навоий шахар, А.Темиров қўчаси.

Мурожаат учун телефонлар:
90-732-22-21, 79-223-59-44.

2022 йил 26 октябрь кўни вафот этган, ва-
фотида қадар Кармана тумани "Янгиқўбод" маҳал-
ласида яшган марҳум Қўсиев Шерали Ава-
зичининг мол-мулгига мерос иши мавжуд бўлиб,
меросқўрлар Кармана туманида ҳусусий
амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Гулимова
Шоира Дусанбековна нотариал иқросига муро-
жаат қилишлари сўраланди.

Манзил: Кармана тумани, "Арғун" МФЙ.

Мурожаат учун телефон: 79-210-30-13.

2006 йил 24 январь кўни вафот этган, ва-
фотида қадар Навоий шахар П.Очиллов қўчаси
23а-у 39-хонадонда доимий рўйхатда турган
марҳум Ҳасанов Омонхон Муновоичининг мол-
мулгига мерос иши мавжуд бўлиб, меросқўрлар
Навоий шахрида ҳусусий амалиёт билан шуғул-
ланувчи нотариус Шарипова Нодира Ибботова
нотариал иқросига мурожаат қилишлари сўра-
ланди.

Манзил: Навоий шахар, А.Темиров қўчаси,
7-у, 126-хонадон.

Мурожаат учун телефон: 79-223-57-55.

Навоий тиббиёт коллежи то-
монидан 2020 йил 1 майда Уме-
рова Нилуфар Баҳодир қўзи но-
мига берилган рўйхатга олиш
рақами №144 бўлган, №6002063
рақамли диплом ва иловаси йў-
қотилгани сабабли эътибордан
соқит қилинади.

Кармана тумани "Малиққўбод"
қўргони Мевазор қўчаси 6-у
27-хонадонда жойлашган "BARA-
KALI SHIRINLIKLAB 2020" оила-
вий қорхонасига тегишли қўмоқ
муҳр ва тамга йўқотилгани са-
бабли эътибордан соқит қили-
нади.

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур
тумани О.Шарафуддинов ўтар қў-
часи 23-уйда жойлашган "ELE-
GANT RESIDENCE CONSTRU-
CTIONS" масъулияти чекланган
жамиятига тегишли қўмоқ муҳр

ва тамга йўқотилгани сабабли
эътибордан соқит қилинади.

Кармана тумани "Мир Саид
Баҳром" маҳалласи "Мир Саид
Баҳром қўчаси 10А-уйда жой-
лашган "KARMANA SAYOXAT
BARAKA" оилавий қорхонасига
тегишли қўмоқ муҳр ва тамга
йўқотилгани сабабли эътибор-
дан соқит қилинади.

Нурота тумани "Қўзилтепа" МФЙ
Қўзилтепа қишлоқда жойлашган
"KUZYLCHA GOLD STONES" оила-
вий қорхонасига тегишли қўмоқ
муҳр ва тамга йўқотилгани сабаб-
ли эътибордан соқит қилинади.

"SHIFOBAXSH NAVOIY" SUT
масъулияти чекланган жамиятига
тегишли бўлган тамга (шамга) йў-
қотилгани сабабли эътибордан
соқит қилинади.

ЎТТАНЛАРИНИНГ ОХИРАТИ ОВОД БУЛДИН

"Дўстлик байроғи" ва "Зинара дўруш" газетлари таҳририяти ДУК
жамоаси матбоба бўлими ҳодими Бобур Эшонқўловнинг туруш ўртини
Дилафруз Эшонқўлова (йўлдошларини)

Бевекат вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда
барча яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Навоий шахри Нурафшон қўчаси 8-у 2-қават 39-хонадон мақилида
жойлашган 3 хонали квартира сотилди.

Мурожаат учун телефон: 97-367-17-97.

